

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”
Малака ошириш тармоқ маркази
директори
Доц. Баймаков С.Р.**

_____ “ ” _____ 2015 йил

**“Тиббий- биологик фанларни ўқитишда инновациялар” МОДУЛИ
БЎЙИЧА**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

ТУЗУВЧИ:

ДОЦ. О.Т.Алявия

ТОШКЕНТ – 2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР.....	3
КАЛЕНДАР РЕЖА	11
МАЪРУЗА МАТНИ	21
1-Мавзу. Олий таълим тизимида янги инновацион технологияларни жорий қилиш.....	21
ТЕСТ САВОЛЛАРИ	32
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.....	36
ГЛОССАРИЙ.....	38

ИШЧИ ДАСТУР

Мақсади: Профессионал, пухта билимли, ижтимоий фаол, ижодий педагог шахсини шакллантиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шароитларини яратиш, педагогик кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш асосида педагогик кадрларни тайёрлаш тизимини келажакдаги ривожланишидир. Тиббий олийгоҳларнинг ўқув жараёнига илмий услубий асосларини жорий қилиш, ўқиш таълимини ҳамма даражаларини – жорий машғулот, оралиқ ва якуний назоратларда прогрессив педагогик технологияларни киритиш.

Вазифалари:

- ўқув жараёнига жорий қилинган ўқиш-ўқитишни янги интерактив усуллари билан танишиб олиш.

- назарий ихтисослашган конкрет кафедрада тавсия қилинган иш ўйинлари тўплами, OSCE ва бошқа педагогик технологияларни қўлланиш имкониятларини ва усуллари билиб олиш.

- олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг педагогик касбий билим ва кўникмаларини Давлат талаблари асосида чуқурлаштириш, янгилаш ва замон талабларига мослаштириш.

- узлуксиз таълим тизими, давлат ва ижтимоий буюртмалар, ўқитиш принциплари ва қонуниятлари, ўқитиш жараёнининг яхлитлиги ва тизимлилиги, олий ўқув юрти ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар. Ижтимоий педагогика, педагогик психология, таълим психологияси, педагогик маҳорат, қобилият.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Тиббий биологик фанларни ўқитишда инновациялар” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

– таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;

- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва башоратлаш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик ҳужжатларни ярата олиш;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шакллари;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишни;
- виртуал лаборатория ишларини яратиш ва қўллаш;
- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Тиббиёт фанларнинг дидактик таъминоти”, “Тиббиёт фанларни ўқитишда инновациялар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка

эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			жумладан				
			жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Олий таълим тизимида янги инновацион технологияларни жорий қилиш	2	2	2			
2.	Тиббий биологик фанларни ўрганишда янги ўқитиш технологиялари.	4	4		4		
3.	Дарслик ва электрон ўқув-ресурслари, тарқатма материаллардан мустақил фойдаланиш. Тингловчининг ўзи ўқитаётган фани бўйича электрон дидактик манбаларни яратиш.	2					2
	Жами:	8	6	2	4		2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

МАВЗУ № 1: Олий таълим тизимида янги инновацион технологияларни жорий қилиш (2соат)

Режа:

1. Янги инновацион технологиялар ҳақида тушунча
2. Янги инновацион технологияларни ахамияти ва асосий мақсади
3. Қўлланадиган инновацион технологияларни турлари
4. “Biopac student lab”ни имкониятлари
5. Виртуал физиология ҳақида тушунча ва унинг ахамияти

Замонавий ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган қийинчилар ва

уларни бартараф этиш йўллари. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва инновацион салоҳиятини ривожлантириш – долзарб педагогик муаммо сифатида.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Тиббий биологик фанларни ўрганишда янги ўқитиш технологиялари. (4соат)

Режа:

1. Амалий машғулотларда мультимедиадан фойдаланиш
2. Амалий машғулотларда “Віорас” дан фойдаланиш
3. Амалий машғулотларда мультимедиадан фойдаланиш «Виртуал физиологияси»

Олий таълимда илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш. Бугунги кунда нормал физиология кафедрасида қўлланадиган мультимедиа дастурлари “Віорас Student Lab”, “Амалиёт физиологияси”, “Виртуал физиология” технологиялари билан таништириш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. - Т: 2000. № 69-ІІ.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик Кодекси”. ЎзР Олий Мажлисининг 29.08.96 й. 257-І-сон Қарорига мувофиқ 1 март 1997 й. эътиборан амалга киритилган.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Т.: Адолат, 2004. № 3
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1717-сонли «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури. 2012 йил 27 февраль.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1761-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қонунларига

Ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2012 йил 28 майдаги ПҚ-1761-сон қарори)” 243-сонли қарори.

9. Каримов. И. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012

10. Азизходжаева Н.Н. Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы // Матер. учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения : итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.

11. Алявия О.Т, Яковенко В.И., Усманов Р., Скосырева О.В. Современные интерактивные методы обучения и контроля знаний студентов в подготовке врача общей практики. Ташкент, 2004. – 48 с.

12. Алявия О.Т, Яковенко В.И. Деловые игры в учебном процессе кафедры норм. физиологии. Ташкент, 2003. - 36 с.

13. Алявия О.Т, Яковенко В.И. Положение о проведении OSCE и контрольные задания к нему для студентов отделения «Высшее медсестринское дело» // ж-л «Высшее медсестринское дело», Санкт-Петербург, 2003. - С.28-30.

14. Атаханов Ш.Э. Требование к составлению рабочей учебной программы (бакалавриат). Метод. указания. Ташкент, 2003.- 31 с.

15. Вербицкий А.А. Активное обучение в высшей школе: контекстный подход: Метод. пособие.—М.: Высш. шк., 1991.—207 с

16. Габрусевич С.А., Зорин Г.А. От деловой игры — к профессиональному творчеству: Учеб.-метод, пособие.— Минск.: Университетское изд., 1989.— 125 с.

17. Гадаев А.Г., Будкова Е.А. Объективно-структурированный метод оценки клинических знаний студентов. Метод. рекомендации. Ташкент, 2001.- 21 с.

18. Гинзбург Я.С., Коряк Н.М. Социально-психологическое сопровождение деловых игр // Игровое моделирование: Методология и практика.- Новосибирск: Наука, 1987.- С. 61-77.

19. Голиш Л.В. Проектирование и планирование педагогических технологий: /Серия «Современные технологии обучения». Издание 2-е, исправленное и дополненное. Учебно-методическое пособие для тренинга. - Ташкент. ТГЭУ, 2010.- 151с.

20. Даминов Т.О., Гадаев А.Г. Современные методы обучения и контроля знаний в подготовке ВОП. Методическое пособие. Ташкент, 2002. - 49 с.

21. Дианкина М.С. Профессионализм преподавателя высшей медицинской школы. М., 2002. – С. 218 – 224.

22. Жук А.И., Кашель Н.Н. Деятельностный подход в повышении квалификации: активные методы обучения.— Минск.: Институт повышения квалификации и переподготовки руководящих работников и специалистов образования, 1994.— 96 с.

23. Иноятходжаев Х.У., Иноятходжаев Ж.Ш. Виды электронных учебников, методы и технологии их создания.// Материалы респ. науч.- конф. – Ташкент, 2004.- С.62-63.
24. Каримов Х.Я. Новые педагогические технологии в подготовке ВОП. Метод. рекомендации, Ташкент, 2001., - 39с.
25. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе, М., Знание, 1989. - 75 с.
26. Комаров В.Ф. Управленческие имитационные игры.— Новосибирск: Наука. Сибирское отделение, 1989.— 272 с.
27. Корнеева Л.И. Современные интерактивные методы обучения в системе повышения квалификации: зарубежный опыт. Университетское управление: практика и анализ. М, 2004; 4 (32). – с. 78-83.
28. Красовский Ю.Д. Мир деловой игры:— М.: Экономика, 1989.— 175 с.
29. Муминов Т.А., Даулетбакова М.И. Инновационные технологии в образовательном процессе медицинских ВУЗов. Алматы, 2003. – 144 с.
30. Назарова Т.С. Педагогические технологии: новый этап эволюции?// Педагогика, 1997, №3.,- С.20-26.
31. Платов В.Я. Деловые игры: разработка, организация и проведение: Учебник.— М.: Профиздат, 1991.-156 с.
32. Полат Е.С. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования., М., 2000. – 28 с.
33. Проектирование и планирование педагогических технологий в медицине Учебно-методическое пособие под редакцией проф. Тешаева О.Р. Ташкент.: ТМА, 2010. – 139 с.
34. Психология. Словарь / Под общ. ред. А.В. Петровского, М.Г. Ярошевского.— 2-е изд., испр. и доп.— М.: Политиздат, 1990.— 494 с.
35. Смит Я., Фарберман Б. Объективная оценка качества усвоения знаний учащихся и студентов - Ташкент, 1999. - 150 с.
36. Смолкин А.М. Методы активного обучения: Науч.-метод, пособие.— М.: Высш. Школа, 1991.—176 с.
37. Современные технологии обучения. Итоги и перспективы. /Материалы практ. учебно-метод. конф. I ТашГосМИ и РГМУ, 7-9.01.03г., Ташкент, 2003.- 103с.
38. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Матер. теоретич. семинара, 8-9 апреля 1999г. Ташкент, 1999. - С.82.
39. Фарберман Б.Л. Основы критического мышления: Ташкент, 2002, 33 с.
40. Халматова Б.Т., Информационные технологии и другие новации в организации учебного процесса в медицинском вузе. Ташкент, 2008. – С. 209-210.
41. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Д.П.Хашимова. Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности: Учебно-методическое пособие для студентов. Издание 2-е, дополненное и исправленное. Ташкент, ТГЭУ, 2010. - 115 с.
42. Хруцкий Е.А. Организация проведения деловых игр: Учеб. пособие для преподавателей средних спец. учеб. заведений.- М.: Высш. шк., 1991.- 320 с.

43.Алявия О.Т., Яковенко В.И. Учебное – методическое пособие «Современные образовательные технологии в учебном процессе по дисциплине нормальная физиология»,

44.Т., 2011, 47 с.

45.О.Т. Alaviya, V.I. Yakovenko, M.U. Shayusupova Modern educational Technology in education for the discipline Normal physiology. Educational-methodical, Handbook, 2013 Т., 47 p.p.

Интернет сайтлари

Сайты Интернет по физиологии:<http://www.normphys.chat.ru/metodich.html>; http://www.physiology.ru/price_list.html; http://www.physiology.ru/hb_main.html; http://www.physiology.ru/hb_electron.html.

Календар режа

№	Мавзулар	Машғулоти тури	Соати	Ўтказилиш муддати
1.	Олий таълим тизимида янги инновацион технологияларни жорий қилиш.	маъруза	2	Ойнинг учинчи хафтаси
2.	Тиббий биологик фанларни ўрганишда янги ўқитиш технологиялари	амалий	4	Ойнинг учинчи хафтаси

МАЪРУЗА МАТНИ

Мавзу: Олий таълим тизимида янги инновацион технологияларни жорий қилиш

Режа:

1. Янги инновацион технологиялар ҳақида тушунча
2. Янги инновацион технологияларни ахамияти ва асосий мақсади
3. Қўлланадиган инновацион технологияларни турлари
4. “Biopac student lab”ни имкониятлари
5. Виртуал физиология ҳақида тушунча ва унинг ахамияти

Таянч иборалар: *инновацион технология, мультимедиа, Biopac student lab, амалиёт физиология, виртуал физиология, график органайзерлар*

Бугунги кунда таълим жараёнида тез ривожланиб келаётган ва энг кенг қўлланиладиган мультимедиа технологиялари хисобланади.

Олий мактаб замонавий талабларига жавоб берадиган ва ёш мутахассисларни тайёрлашда ўқитиш натижалари, ўқитиш жараёнидаги янги интенсив ўқитиш усуллари киритишга боғлиқ ва бу жараёнда талабаларнинг фаол иштирок этишлари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педогогик технологияларни ўзлаштириш ва киритиш зарурлиги белгиланган. Ўзбекистон тиббий олий ўқув юртларида УАШ ни замонавий тайёрлаш даври таълим тизимининг ислохатини чуқурлаштирилиши, ўқув машғулотларининг фаол формаларини киритилиши билан характерланади.

Янги инновацион технологияларни асосий мақсади – замонавий ахборот шароитларида янги авлодни ҳаётга тайёрлаш, турли ахборотларни қабул қилиш, уни тушунишга ўргатиш, руҳиятга таъсирини англаш, техник воситалар ва замонавий ахборот технологиялар ёрдамида коммуникацияларни новербал шакллари асосида муомала усуллари ўрганишдир.

Олий таълим доирасида ахборот технологияларни ишлатишнинг 3 та ўзаро боғлиқ соҳаларини ажратиш мумкин: аудитория машғулотлари учун, электрон кутубхоналар, Интернет.

Ўқув жараёнида компьютер технологиялари асосида ўқитилишини замонавий босқичида қўлланиши ўқитиш усули сифатида компьютерни галдан галгача эмас, балки мунтазам биринчи машғулотдан охиригисигача ишлатилиши кўзда тутилади.

Дунёнинг етакчи давлатларида (Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Франция ва бошқалар) 60 – йиллардан бошлаб медиатаълимга асосий эътибор қаратила бошлади, у ўқувчи ва талабаларга медиамаданият дунёсига бемалол киришга ёрдам беради, оммавий ахборот воситалари тилини ўрганишда, медиаматнларни таҳлил қилишни ўрганишда ёрдам беради.

Кафедрада фан бўйича мультимедиа ўқув дастури яритилган. Ўзбек ва рус тилларида 4 категорияли, ҳажми 256 мб, тексти иллюстрациялари, анимациялари, товуш ва мусиқа билан намоиш қилинади. Дастурда ўқув - услубий комплекс: ишчи дастур, маърузалар ва амалий машғулотлар, иш ўйинлари, тестлар, OSCE топшириқлари, схемалар, иллюстрациялар, микророликлар, видеофильмлар анимация ва аудио комментарийлари билан киритилган.

Маърузалар ҳам презентация усулида ўқилади, схемалар, графиклар, расмлар ва анимациялар билан намоиш қилинади.

Замонавий компьютер ва ахборот технологияларини иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан, "Интернет"га кириб боришини кенгайтириш, юқори малакали программаловчи мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Вазирлар Маҳкамаси 23 май 2001 йилдаги қарори бунинг яққол далилидир.

Ҳозирги кунда мутахассислар, гуруҳлар, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ёки муассасаларининг фаолияти, кўп жиҳатдан уларнинг қай даражада зарурий маълумот ва ахборотлар билан тўла таъминланганлигига, ҳамда ушбу маълумотлардан қай даражада самарали фойдалана олаётганликларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Мультимедиа-технологиялари информатиканинг долзарб йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мультимедиа-технологияларининг асосий мақсади – товуш, видео, анимация ва бошқа визуал эффектлар билан таъминланган дастурий маҳсулотларни яратишдан иборатдир.

Жамиятни ахборотлаштиришнинг кўзга кўринган тенденцияларидан бири мультимедиа технологияларини ривожлантириш ҳисобланиб, уларни ҳаётнинг турли қатламларига кириб қилиши (фан, таълим) билан боғлиқ.

Ўқув жараёнида эса мультимедиаалардан фойдаланиш жуда катта самара беради. Чунки бу технология ўқув жараёнини ҳам товуш, ҳам тасвир (расм ёки видео) билан бойитиб, ҳар қандай тингловчини ўзига тортибгина қолмай, балки эслаб қолиш самарадорлигини 85-90% гача оширади. Айниқса анимацияларнинг ўқув жараёнидаги аҳамияти жуда ҳам катта. Чунки улар ёрдамида инсон кўзи билан кўра олмайдиган жараёнларни тасвирлаб бериш мумкин. Бу эса ўқувчи дарс матнини ўқиб ёки расм ва чизмаларни томоши қилиб тушуна олмаган бирор жараённи ҳаракатлар билан кўрсатиб бериш, шу билан синхрон равишда товушли маълумотни бериш йўли билан тушунтириш самарадорлиги юқори бўлишини таъминлайди.

Мультимедиа технологиялари

1945 йилда америкалик олим Ваннивер Буш "MEMEX" номли хотирани ташқил қилиш ғоясини таклиф қилган, бу эса мультимедиа технологияларини ривожланишининг ғоявий сабаби бўлди. "MEMEX" номли хотиранинг асосий ғояси шундан иборатки, ахборот белгилар, номерлар, индекслар ёки алфавит тартиби бўйича эмас, балки мазмунига қараб кидирилади. "MEMEX" номли хотиранинг асосида гиперматн ва гипермедиа тизимлари яратилган. **Гиперматн** деганда бу матнли маълумотлар билан ишлаш тизими деб тушунилади. **Гипермедиа** тизими - бу графика, товуш, видео ва анимация билан биргаликда ишлаш системаси деб ҳисобланади. Гиперматн ва гипермедиа тизимларининг биргаликдаги ривожланиши мультимедиа йўналишининг келиб чиқишига олиб келди.

80 – йиллар охирида америкалик компьютер мутахассиси Билл Гейтснинг "National Art Gallery of London"- «Лондоннинг миллий санъат галереяси» номли дастурий маҳсулотини биринчи бўлиб яратган. Бу мультимедиа дастурини яратишда турли муҳитлардан – тасвир, товуш, анимация, гиперматн ва гипермедиа тизимларидан фойдаланилган.

Мультимедиа технологияларининг асосий афзалликлари ва хусусиятларига қуйидагилар тегишли:

➤ битта ахборот ташувчисида катта ҳажмли турли маълумотларни сақлаш имконияти (20 та томга яқин матнлар, 2000 ва ундан ҳам кўп юқори

сифатли тасвирлар, 30 – 45 минутли видеоёзувлар, 7 соатга тенг товуш маълумотлари);

➤ экранда тасвирни ёки унинг айрим фрагментларини катталаштириш имконияти. ("лупа» режими). Тасвирни сифатини сақлаб қолган ҳолда 20 мартабагача катталаштириш мумкин. Бу имкониятдан тарихий хужжатлар ва санъат асарларини презентация қилганда фойдаланиш мумкин;

➤ тасвирларни таққослаш ва турли дастурий воситалар ёрдамида уларни қайта ишлаш;

➤ матнлар ёки турли кўргазмали материалларда керакли жойларни белгилаш ва улар ёрдамида бошқа тушунтирувчи маълумотга эга бўлиш (гипермедиа ва гиперматн технологияси);

➤ Internet глобал тармоғига уланиш имконияти.

Мультимедия имкониятлари

Мультимедиа — бу компьютер технологияларининг соҳаси. У турли (матн, графика, расм, товуш, анимация, видео) кўринишдаги ахборот билан боғлиқ. Бунда маълумот турли ахборот ташувчиларида мавжуд бўлиши мумкин (магнит ва оптик дисклар).

(multi – куп, media — муҳит деб таржима қилинади) Мультимедиа воситалари аппарат ва дастурий воситаларга булинади.

Мультимедиа аппарат воситаларига қуйидагилар тегишли:

-аудио (нутқли) ва видеокиритиш ва ахборотни чиқариш қурилмалари;

- юқорисифатли товуш ва видео платалар;
- видеомагнитофон ёки видеокамерадан тасвирни ўқийдиган ва ўша маълумотларни компьютерга киритадиган платалар яъни видеограбберлар
- юқорисифатли акустик ва тасвирни қайта тиклайдиган тизимлар. Бу тизимлар усилитель, товушли колонкалар, катта ҳажмли видеоэкранлар билан таъминланган бўлади;
- сканерлар (чунки улар автоматик равишда компьютерга печатланган матн ва расмларни киритиш имконига эга);
- юқорисифатли принтер ва плоттерлар.
- Проекторлар
- Интерактив доскалар
- Катта ҳажмга эга бўлган оптик ва рақамли видеодисклар

Электрон дарсликларнинг турлари ва уларни яратиш технологиялари

Замонавий таълим тараққиёти шундай имкониятлар ёрдамида яратилган компьютер пакетларидан ташқил топиши мумкин, уйда шахсий компьютерларда, мустақил ишлаш учун жиҳозланган олийгоҳларда, компьютер синфларида, ётоқхоналарда, махсуслаштирилган малакавий аудиторияларда фойдаланишимиз мумкин.

Электрон ўқув қўлланма - ўқув адабиётининг янги жанри.

Электрон ўқув қўлланма (ҳатто энг зўр) китоб шаклига алмаштириш шарт ҳам, керак ҳам эмас. Экрانشтирилган ўқув

адабиётининг бу жанри мутлоқо янғидир. Китобни худди фильм томоша қилгандек тушуниш мумкин. Бу жанрни янгилаш ҳам осон, ҳам қулай бўлиб, қидириш тизимига эга. У ўзида бой маълумотлар видео, картинка, маълумотномалар, матнлар жой олган.

Электрон ўқув қўлланма максимал даражада тушуниш ва тушунтирилишга эга бўлиши, инсон мияси, онгига нафақат эшитиш балки кўриш орқали етиб бориши, компьютер тушунтиришидан фойдаланиш керак.

Ташқил қилувчи матнлар ҳажми чегараланган бўлиши керак. Электрон дастурнинг мақсади - ўқув материални ҳамма ютуқларини сақлаб қолиш эмас, балки компьютер орқали тасвир учун кўргазмаларни танлаш. Тасвирий материал тури ва сони қайси тартибда танланади.

Бизнингча, ўқув матни тушунилиши қийин жойида тасвир киритилади, қўшимча кўргазмали тасвир орқали мавзувий-мазмуний блокларининг уйғунлашиши ва тартиблашиши учун. Компьютер технология электрон дастурга ҳамма ахборотни сиғдириш мақсади қўйилмайди. Бу ўқувчини матн парчасини ўрганишдан чалғитади.

Талабага беқиёс озодлик бериш ҳавфли. Расмдан луғатга, бошқа гиперматнга кўчиш мақсадга мувофиқ эмас. Лекин, уни озодликдан маҳрум этиш ҳам керак эмас. Онгли келишув зарур ўқитиш усулидаги бир чизиқлик ёки модуллиқ яратилиши керак.

Гиперматнда ҳаракатли расмлар кўплиги, динамикаси бир чизиқлик билим олишни сусайтиради, бу анимация тўлиқ билим олишга ҳалақит беради.

Бир мавзуда нечта тасвир бўлиши керак?

Бу назарий ўқув дастурининг мазмуни ва характериға боғлиқ.

Кўргазмаларға бой бетлар ёки электрон матнлар кераклими?

Бир марта тасвир кўриб, кўп марта электрон матнни ўқигандан яхшироқ.

Мисол учун сиз юмуқ кўз билан нотаниш хонаға кириб, ёнингиздагидан хонани тасвирлашни сўрайсиз, унга 3-5 секунд ичида кўргани маъқул. Хонани тасвир воситаси орқали қандай тасаввур этса бўлади? Тасвир сони ва бети аниқ белгиланмайди, қуйидаги факторлари асосланади:

- Ўқув матнини мазмуни ва характериға кўра;
- Ўқув услубиға кўра;
- Ўқув муассасасиға кўра.

Кўргазмали воситалар асосида ўқитиш таснифи. Мазмун ва характери бўйича тасниф 3 гуруҳға бўлинади:

1. Тасвирли кўргазмалиликка:

- расмлар репродукцияси;
- архитектура ва ҳайкатарошлиқ фоторепродукцияси;
- ўқув матнлар учун яратилган ўқув расмлар;
- раем ва аппликациялар;
- видеопарчалар;
- аудиопарчалар;
- видеофильмлар киради.

2. Шартли-чизмали кўргазмалиликка:

- жадваллар;
- схемалар;
- блок-схемалар;
- диаграммалар;
- графиклар;
- хариталар;
- планшетлар киради.

3. Предметли кўрсатмалиликка:

- мўзей экспонатлари;
- макетлар;
- моделлар.

Ахборотни кўз одига келтириш деб англаш жараёнига ёки кўз, ёки кулоқ, ёки бараварига иккаласи ёки ҳиссиётларни улашдир. Ўқув дастурини англаш унинг кўз олдига келтиришдан бошланади. Шунинг учун барча сезги органлари ишга тушади, шу туфайли тез ва осон ўқув матнини ўзлаштирилади. Тасвирий материал бўлиши кам, у тушунарли ва ўзаро боғланган, актуал бўлиши керак. Бунда тасвир воситаларидан фойдаланади.

Яхши жиҳозланган ўқув матни умумий ҳолатга ижобий таъсир этади. Ранга қизиқиш ошади. Диққат ва фаолият уйғуннашади, кўзатувчанлик ва сезгирлик ошади, хотира тайерланади, фикрлаш жараёни енгиллашади, ўқув материали ўзлаштирилади.

Электрон ўқув қўлланмани услубий таъминлаш.

Агар электрон ўқув қўлланмани яратишда методик маълумотларни қайта ишлаш кўзатилмаса, ЭЎҚ қўлланма сифатидай ишлатилмайди. Замонавий ўқув маълумотларни янгиллаштириш учун ҳаммага бир хил доступ бўлиши керак. Лекин домлалар янги технология билан ишлашга ҳали унча тайёр эмас. Чунки бу янги технология яратилиши билан ўқув дастурларни, маърузаларни, амалиш ишларни ўзгартирилиши керак.

Услубий таъминлашнинг аҳамияти.

Агар бу методикани қўлласак ҳамма уйларда, хоналарда, аудиторияларда, ётоқхонада бўлиши керак. Лекин бизда ҳозирча бундай шароит йўқ. Компьютер орқали таълим олиш учун нафақат ҳаммада компьютер бўлиши компьютер яхши ишлашига ҳам шарт. Шу қўлланмани ишлатиш давомида фақат компьютердан ишламаслик керак, уй вазифаларни (масалан: математика фанидан мисол, масалаларни ечишни қўлда ечиш керак,) чунки тайёр дастурлар компьютерда бор. Компьютер талабани ялқовликка олиб келади. Лекин компьютер билан ишлаш ҳам осон ҳам вақт кам олади

“Амалиёт физиологияси” мультимедиа технологияси 10 та машғулот яратилган. Бу дастур компьютер хонасида намоиш этилади, ўргатувчи тизим сифатида қуйидаги тематикалар: электрокардиография, эритроцитлар, ташқи нафас, кўзғалувчан тўқималар, синапслар хоссалари, юракнинг физиологик хоссалари, гемодинамика ассослари, экспреция, микроциркулятор ўзан, марказий асаб тизимининг умумий физиологияси. Ҳар бир машғулотда мавзу бўйича назарий материаллар, графика, анимация овоз билан кузатилади, амалий қисмни бажарилиши ёзилган, индивидуал манипуляцияларни қилиш

имконияти бор. Бу дастур амалий кўникмаларни: қон анализи, артериал босимни Коротков усулида ўлчаш, спирометрия, электрокардиографияни қайд қилиш, пай рефлексларини текширишларни ўрганиб, ўзлаштиришига имкон яратади.

Кафедрада амалий машғулотларда мультимедиа дастури “Biorac student Lab” қўлланилади. Бу дастур клиник физиологияни амалиётга киритишга ва хайвонларда эксперимент ўтказишларни камайитиришга катта имкон яратди.

Клиник физиологиядан 17 та машғулот ўтказиш мумкин. Ҳар хил биотокларни (мия, юрак, меъда, скелет ва чайнов мушаклар, кўз мушаклари) осциллограф усулида артериал босимни, пульсни, фонокардиографияни, нафасни ҳамма параметрларини, рефлекс вақтини ва полиграфияни ёзиб олиш имконига эга. Бу дастурда китоб қўлланма чоп этилган. Ҳар бир ишга кириш, эксперимент мақсади, алгоритми бажарилиш қадамлари, текширувлар натижалари, анализи, статистикаси, баённомаларни расмийлаштирилиши, назорат саволлари келтирилган. Дастурда тажрибалар ўтказиш видеоматериалларини 30 клиплари мавжуд.

Бугунги кунда амалий машғулотларда мультимедиа дастури LuPraFi-Sim. Бу ўқув лойиха, буни (Inter NICHE) инсонпарвар таълим учун халқаро тармоқ тақдим этган. Бу лойихани кординатори доктор Габриель Катор (Бухарест) Proetoliervrij ва WSPA ёрдамида амалга оширилган. Бу жамоа ташкилоти билан шартнома тузиб, мультимедиа дастури “Виртуал физиология” ва жуда катта электрон база видеофильмлар, клиплар, анимациялар шаклида олинди.

Дастурда 8 та бўлим: юрак, томирлар, асаб, мушак, нафас, эндокрин, экскреция, хазм қилиш тизимлари бўйича материаллар бор. Ҳар бир бўлимда 4 тадан 6 тагача тажрибаларнинг назарий қисми, тажрибани бажариш технологиялари (анимация, графика, товуш, мусиқа ва клиник усулларни компьютер моделлаштириш имкониятлари) билан берилган. Тактил мосламаларни ва 3 поғанали виртуал тасвирларни қўллаш имкониятига эга. Бу дастур бўйича ўқитиш усули талабага тажрибани индивидуал тартибда ўтказишга, уни такрорлашга, назарий материаллардан фойдаланишга, эксперимент технологияларин ўрганишга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикасининг янги ўқитиш стандартлари талабларига мувофиқ кафедрада ўқув жараёнининг барча турлари доимо такомиллаштирилмоқда, чуқур назарий, амалий билим ва кўникмаларга эга бўлган УАШ мутахассисларини тайёрлашга йўналтирилган.

Билимларни ўзлаштиришда талабалар қизиқишлари ва ижодини ошириш учун интерфаол усулларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Талабалар билимини баҳолаш ва амалий кўникмаларни ўзлаштиришда қўлланиладиган замонавий ўқитиш усуллари:

- Кичик гуруҳларда ишлаш усуллари.
- Гуруҳда ўқитиш жараёнини оптималлаштириш усуллари (вазият масала, иш ўйин, конкурс ва презентациялар).

- Кўп функционал масалалар билан боғлиқ бўлган ўқитиш усуллари (клиник аудит, дискурсия, кўникмаларни ўзлаштириш, исботларга асосланган тиббиёт).
- OSCE – оралик ва якуний назоратларни текширувчи усул – объектив структурланган клиник имтихон.
- Ўқитиш жараёнидаги мультимедия технологиялари.

Амалий машғулотларда қўлланадиган иш ўйинлари:

“Бўш звено”, “Асалари уяси”, “Юмалоқ стол”, “Ручка стол марказида”, “Галерея бўйича айланиш”, “Блиц - ўйин”, “Ноъмалумот”.

Масалаларнинг кўпфункционаллиги билан боғлиқ бўлган рақобат топшириқлар:

- Иш ўйинлар: “Қопдаги мушук”, “Ким кўпроқ?”, “Ким тезроқ?”
- Кроссворд ечиш усули.
- Ўқув дискурсия шаклида машғулот ўтказиш.
- Мультимедия технологияларидан презентация усуллари

Ўқитиш жараёнини фаоллаштириш усуллари.

“Case study” усули (аниқ вазиятларни анализ қилиш) .

Вазият масалаларини ечиб талабаларда клиник фикрлашни шакллантириш усули.

График органайзерлар – бу фикрлаш жараёнини яққол тасвирлаш воситаси.

№	“Віорас” да бажарадиган ишларнинг номи
1	Электромиография, мушакларнинг чарчаши динамометрия.
2	Юрак тонларини қайд қилиш.
3	ЭКГни ёзиш ва анализ қилиш.
4	Периферик пульс.
5	АБни ўлчаш.
6	ЎТСни аниқлаш.
7	Пневмография.
8	Мастикоциография.
9	Рефлекс вақтини аниқлаш.
10	Товушга реакция вақтини аниқлаш.
11	Электроэнцефалография

12	Электроокулограммани қайд этиш.
13	Тери – Гальваник реакция (полиграфия).

Ўқув йили давомида кафедрада стоматология ва тиббий-педагогика факултетларининг 2 курс талабалари шуғулланади. Физиология курси 22 маъруза ва 38 амалий машғулотлардан иборат.

Йил давомида режа бўйича 111 амалий иш экспериментал ҳайвон ва одамда олиб борилади. Булардан 14 таси клиник аҳамиятга эга бўлган амалий кўникмалар.

Фан бўйича амалий кўникмалар рўйхати:

Тиббий педагогика факультетлари талабалари учун амалий кўникмалар:

1. Бармоқдан қон олиш техникаси.
2. Гемоглобинни аниқлаш.
3. Эритроцитларни санаш.
4. Лейкоцитларни санаш.
5. Қон гуруҳларини АВО системасида аниқлаш.
6. ЭЧТни аниқлаш.
7. Қон ивиш ва қон оқшининг тўхташ вақтини аниқлаш.
8. Соғлом одам ЭКГ сининг анализи.
9. АБ ни ўлчаш.
10. Спирометрия.
11. Пай рефлексларини текшириш.
12. Кўриш ўткирлигини аниқлаш.
13. Кўриш майдонини аниқлаш.
14. Одамда ОАФ типларини текшириш.

Стоматология факультети талабалари учун амалий кўникмалар.

1. Бармоқдан қон олиш техникаси.
2. Гемоглобинни аниқлаш.
3. АВО системасида қон гуруҳларини аниқлаш.
4. ЭЧТ ни аниқлаш.
5. Қон ивиш вақтини аниқлаш.
6. Соғлом одам ЭКГ сининг анализи.
7. АБни ўлчаш.
8. Спирометрия, лозим бўлган УТСни ҳисоблаш.
9. Пай рефлексларини текшириш.
10. Мастикоциография.
11. Сиалометрия
12. Кўриш майдонини аниқлаш.
13. Кўриш ўткирлигини аниқлаш.
14. Одамда ОАФ типларини баҳолаш.

Сизнинг диққатингизга “Қон”, “Кўриш анализатори”, “АБ ўлчаш”

бўлимларидаги амалий кўникмаларни ўзлаштириш бўйича ишлар тақдим этилади. Айрим амалий кўникмалар мураккаб асбобларда : “Віорас “ , “велоэргометр”, “пульсотахометр”, электрокардиографларда ўзлаштирилади. Барча амалий кўникмалар кадамма-кадам ишлаб чиқилган ва методик тавсияномалар шаклида рус, ўзбек тилларида ва лотин алифбосида нашр этилган.

Бугунги кунда ўқув жараенида фан бўйича видеофильмларни намоиш этилиши кенг қўлланилади. Мавзулар бўйича 12 та видеофильмлар намоиш этилади. Кафедранинг филмотекаси компютер хонасида компютерларда жойлаштирилган. Видеофильмларни давомийлиги 10-15 минут. Бу ўқитишни пассив усули бўлишига қарамасдан, эффектив фундаментал билимга эга бўлишни таъминлайди.

Қўлланадиган видеофильмлар рўйхати

1	«Асаб-мушак препаратини тайёрлаш»
2	«Таъсирлаш қонунлари»
3	«Юрак фаолиятининг цикли»
4	«Электрокардиография»
5	«Юрак фаолиятини бошқарилиши»
6	«Томирлар бўйлаб қон харакати»
7	«Артериал босим ва уни бошқарилиши»
8	«Нафас физиологияси»
9	«Терморегуляция физиологияси»
10	«Кўриш физиологияси»
11	«Эшитиш ва вестибуляр аппаратининг физиологияси»
12	«Эмоция физиологияси»



**Амалий машғулотларда мультимедиадан фойдаланиш
«Виртуал физиологияси»**

№	Ишларнинг номи
1	Мембрана потенциаллари (тинчлик ва фаолият потенциалли)
2	Асаб ва мушакни таъсирлаш бўсағасини аниқлаш ва кўзғалишлар суммация ходисасини намоиши. Турли куч таъсиротларига мушак реакцияси. Пфлюгер тажрибаси.
3	Мушакнинг якка қисқариши. скелет мушакларининг қисқариши.
4	Миелинли ва миелинсиз асаб толаларнинг аксонини диаметрига боғлиқ холда кўзғалишни ўтиш тезлигини аниқлаш.
5	Асаб-мушак препаратининг чарчашада асаб мушак синапсининг роли. Фаолият потенциалига анестетиклар ва паст хароратнинг таъсири.
6	Бақада кардиография. Юрак ишига электик стимулларни таъсири. Экстрасистола. Станниус тажрибалари. Юрак автоматияси, ўтказувчи системаси.
7	Бақа юрагига Са ⁺⁺ , К ⁺ ионли эритмаларни ва кимёвий медиаторларни (адреналин, ацетилхолин) таъсири. Юракга кўзгалган адашган нервнинг таъсири.
8	Қон томирларда қоннинг харакатига босимни, қоннинг қовушқоклигини, томирлар радиусини ва узунлигини таъсири.
9	Коротков усулида АБ ўлчаш. АБга ЮМХни, периферик қаршиликни ва томирлар эластиклигини таъсири. Итнинг АБга адреналин, атропиннинг таъсири.
10	Ўпка вентеляциясига нафас йўлларининг радиусини таъсири. Ўпка вентеляциясига плевра бўшлиғи босимининг таъсири. Ўпка вентеляциясига сурфактантнинг таъсири.
11	Сийдик хосил бўлишига, гидростатик, осмотик босимларни ва нефроннинг буйрак таначаси артериолаларининг босимини таъсири. Сийдик хосил бўлиш тезлигига глюкозани таъсири.
12	Сўлакнинг амилolitik активлигини кузатиш
13	Пепсинни активлигига РНни таъсири. Меъда ости беги липазасининг ўт бор ва йўқлигига боғлиқ холатни таъсири.
14	Асаб марказларида кўзғалишнинг иррадиацияси (Пфлюгер тажрибаси – рефлекслар тарқалишининг қонунлари)
15	Марказий тормозланиш (Сеченов тажрибаси) Рефлексларнинг периферик тормозланиши
16	Метаболизмга тироксин, тиротропин ва пропилтиуроцилнинг таъсири Инсулин ва аллоксаннинг қондаги глюкоза миқдорига таъсири

HAZOPAT CAVOLLARI

1. Тиббий биологик фанларни ўқитишда инновацион технологияларнинг мақсади нимадан иборат?
2. Мультимедиа технологиялари, уларнинг имкониятлари қандай?
3. Тиббий биологик фанларни ўқитишда қандай электрон дарсликлар турларини биласиз?
4. Олий таълим доирасида ахборот технологияларини ишлатилишида қандай соҳаларни ажратиш мумкин?
5. Тиббий биологик фанларни ўрганишда ўқитиш жараёнини фаоллаштиришни қандай усулларини биласиз?
6. Электрон дарсликлар яратиш технологиялари қандай?
7. Янги педагогик технологиялар?
8. Тиббий биологик фанларни ўқитишда қўлланадиган иш ўйинлари, уларнинг турлари ва қўллашни авзаллиги?
9. “Амалиёт физиологияси” мультимедиа технологиясини ахамияти нимада?
10. Амалий кўникмаларни ўзлаштиришда “Амалиёт физиологияси”ни роли?

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алявия О.Т, Яковенко В.И., Усманов Р., Скосырева О.В. Современные интерактивные методы обучения и контроля знаний студентов в подготовке врача общей практики. Ташкент, 2004. – 48 с.
2. Алявия О.Т, Яковенко В.И. Положение о проведении OSCE и контрольные задания к нему для студентов отделения «Высшее медсестринское дело»//ж-л «Высшее медсестринское дело», Санкт-Петербург, 2003. - С.28-30.
3. Гинзбург Я.С., Коряк Н.М. Социально-психологическое сопровождение деловых игр // Игровое моделирование: Методология и практика.- Новосибирск: Наука, 1987.- С. 61-77.
4. Голиш Л.В. Проектирование и планирование педагогических технологий: /Серия «Современные технологии обучения». Издание 2-е, исправленное и дополненное. Учебно-методическое пособие для тренинга. - Ташкент. ТГЭУ, 2010.- 151с.
5. Каримов Х.Я. Новые педагогические технологии в подготовке ВОП. Метод.рекомендации, Ташкент, 2001.,- .39с.

6. Корнеева Л.И. Современные интерактивные методы обучения в системе повышение квалификации: зарубежный опыт. Университетское управление: практика и анализ. М, 2004; 4 (32). – с. 78-83.
7. Алявия О.Т., Яковенко В.И. Учебное – методическое пособие «Современные образовательные технологии в учебном процессе по дисциплине нормальная физиология», Т., 2011, 47 с.
8. O.T. Alaviya, V.I. Yakovenko, M.U. Shayusupova Modern educational Technology in education for the discipline Normal physiology. Educational-methodical, Handbook, 2013 T., 47 p.p.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Масофадан ўқитиш қандай амалга оширилади?
 - A) Ўқув адабиётлари орқали;
 - B) Коммуникацион технологиялар орқали;
 - C) Компьютер техникаси орқали;
 - D) Тьюторлар ёрдамида;
 - E) Ўқув қўлланмалари орқали.

2. Олий таълим учун тайёрланадиган электрон дарсликка қўйиладиган талабларни топинг:
 - A) Чуқур илмий услубий, юқори сифат ва миқдор кўрсаткичда бўлиши;
 - B) Компьютер технологиясига асосланиши, мустақил таълим олишга йўналтирилган, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган бўлиши;
 - C) Ҳар бир машғулотнинг мақсади, мазмуни, амалий машғулотлар, қисқача топшириқлар ва тавсиялар берилган бўлиши;
 - D) Айрим мавзуларнинг мазмуни қисқача ёритилган, бирламчи билим олишга қаратилган, назарий ва амалий саволлар, таянч атама ва иборалардан иборат бўлиши;
 - E) Мустақил таълим олишга йўналтирилган, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган бўлиши.

3. Интерфаол маъносини англатади. Нуқталар ўрнида қолдирилган сўзни топинг:
 - A) Кичик гуруҳларга ажратиш;
 - B) Гуруҳларда таълим олиш;
 - C) Таълим олиш учун ўзаро ҳаракат қилиш;
 - D) Баҳслашиш;
 - E) Ишларни мустақил бажариш.

4. Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқув машғулотларининг асосий турлари қайси жавобда тўлиқ кўрсатилган?
 - A) Маъруза, семинар, Амалий машғулоти, Лаборатория машғулоти, Мустақил

иш;

- В) Маъруза, семинар, Амалий машғулот;
- С) Маъруза, семинар, Мустақил иш, Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти;
- Д) Лаборатория машғулот, Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти;
- Е) Театр, музей, кўргазмаларга экскурсия.

5. Дарснинг технологик харитаси нима учун хизмат қилади?

- А) Ўқитувчи ва талаба фаолияти ҳамда унга тақсимланган вақт меъёрини ҳар бир босқич бўйича тўғри белгилаш;
- В) Машғулотни меъёрида ташкил этиш;
- С) Талабалар фаолиятини фаоллаштириш;
- Д) Вақт меъёрини белгилаш, билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун зарур ҳажмни шакллантириш;
- Е) Билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун.

6. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Талабага бевосита эмоционал иродавий таъсир кўрсатиш қобилияти;
- В) Талабага тўғри муомала қила олиш, уларга яқин бўлиш, улар билан педагогик самарали ҳамкорлик ўрната билиш қобилияти;
- С) Ўқув жараёнини тўғри ташкил этиш;
- Д) Муомали маданиятига эга бўлиш, талабаларни тушуниш, улар билан ҳамкорлик қилиш;
- Е) Имо- ишора воситасида ўз фикрини аниқ ва равшан ифодалаш қобилияти.

7. Таълим технологияси турларини белгиланг?

- А) Муоммали, шахсга йуналтирилган, масофавий, модули;
- В) Назарий, амалий, аралаш, мустаҳкамлаш;
- С) Ноанъанавий, анъанавий, мустаҳкамлаш;
- Д) Аралаш, маъруза, масофавий, назарий;
- Е) Назарий, амалий, мустаҳкамлаш.

8. Мотив нима?

- А) Эҳтиёжни қондиришга мойил предмет;
- В) Англамаган хатти-ҳаракат истаги, ҳаракатнинг айрим қисмлари;
- С) Узоқ мақсадлар билан боғлиқ бўлмаган бирон мақсад;
- Д) Англаган ёки англамаган иш ҳаракат бўлиб, бирон эҳтиёжнинг субъектив ифодасини билдиради;
- Е) Ниҳоятда аниқ, тез ва мақсадга мувофиқ тарзда ўз-ўзидан бажариш даражасини ифодалайди.

9. Муаммоли ўқитиш технологияси босқичларини белгиланг?

- А) Муаммоли вазият, ўқув муаммоси, ўқув муаммосини ечиш учун изланиш;
- В) Ўқув муаммоси, ўқув муаммосини ечиш, муаммонинг ечилиши;
- С) Муаммоли вазият, муаммоли савол, муаммоли вазифа, муаммо ечими;

- D) Муаммоли ҳолат, ўқув муаммоси, муаммонинг ечилиши;
- E) Муаммонинг ечилиши.

10. Қайси технологияларда ўқувчиларда ақлий фаолият усулларини шакллантиришга асосий эътибор қаратилади?

- A) Дидактик ўйин технологияларида;
- B) Муаммоли таълим технологияларида;
- C) Модулли таълим технологияларида;
- D) Лойиҳалаш технологияларида;
- E) Иш ўйини технологияларида.

11. Намунавий ўқув дастури мазмунига қўйиладиган талаблар:

- A) Фан, техника, технологияларнинг сўнги ютуқларини акс эттириши;
- B) Таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва изчилликни амалга ошириш;
- C) Оддийдан мураккабга ўтиш;
- D) Барча жавоблар тўғри;
- E) Хусусийдан умумийга ўтиш.

12. Рейтинг тизимининг вазифалари.

- A) Талаба билимини ҳаққоний, аниқ ва адолатли баҳолаш самарадорлигини аниқлаш;
- B) Талабани рағбатлантириш ёки жазолаш учун асос яратиш;
- C) Давлат таълим стандартларининг сифатини аниқлаш, ўқитиш самарадорлигини аниқлаш;
- D) Барча жавоблар тўғри;
- E) Баҳолаш натижаларини таҳлил қилиш, талаба билимини мунтазам назорат қилиш.

13. Таълим мазмунини интеграциялашда интеграция қандай функцияни бажаради?

- A) Методологик;
- B) Касбий йўналганлик;
- C) Муаммоли ривожлантирувчи;
- D) Тизимлаштириш функциясини;
- E) Умумий йўналганлик.

14. Педагогик жараённинг объекти?

- A) Педагогик коллектив, ўқитувчи, ОЎМ маъмурияти;
- B) Ўқитувчилар, тарбиячилар, ота- оналар;
- C) Талабалар гуруҳи ва алоҳида талаба;
- D) Оила, ОЎМ, жамоатчилик;
- E) ОЎМ маъмурияти.

15. Лотин сузи «Стандарт» англатади:

- A) Намуна, норма, ўлчаш;

- В) Асос, бошланғич;
- С) Йил, усул;
- Д) Қобиғи, маъноси;
- Е) Асос мазмун.

16. Педагогик технологиялар-нинг афзаллиги:

- А) Режалаштирилган ўқитиш натижаларига кафолатланган эришиш;
- В) Ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш;
- С) Ўқув жараёнини тасвирлаш;
- Д) Ўқитиш-нинг эффе́ктив усулларини қўллаш;
- Е) Ўқув жараёнини ўргатиш.

17. Педагогик технологияни характерлайди:

- А) Тизимлилик;
- В) Даврийлик;
- С) Прагматиклик;
- Д) Давомийлик;
- Е) Тизимсизлик.

18. Педагогик технологиялари-ниг концептуаллигига ки́ради:

- А) Технология номи, мақсадли ориентациялар;
- В) Субъеклар фаолиятининг структура ва алгоритми;
- С) Педагогик технологиялар экспертизаси;
- Д) Педагогик технологиялар натижаси;
- Е) Педагогик технологиялар тури.

19. Педагогик жараённинг бирлиги бўлиб хисобланади:

- А) Педагогик масала;
- В) Педагогик вазият;
- С) Таълим олувчилар;
- Д) Педагогик таълим;
- Е) Мустақил иш.

20. “Мультимедия” сўзининг маъноси нимада?

- А) Қўп, мухит;
- В) Кам, мухит;
- С) Қўп ахборот;
- Д) Кам ахборот;
- Е) Кам, мухит, қўп ахборот.

21. Даражали электрон дарсликни яратишда дастурлар ишлатилади:

- А) Дизайн, графика уч ўлчамли анимация, товуш;
- В) “Қуруқ текст” кўриниш-даги дарсликлар;
- С) Турли иллюстрацияли текст кўринишдаги дарсликлар;
- Д) Товушсиз кўринишдаги ишлар;

Е) Видеомон-тажсиз кўринишдаги ишлар.

22. Педагогик мониторинг - бу:

- А) Қандайдир объектлар ва педагогик воқеялик ходисаларни узок давомли кузатиш;
- В) Педагогик масалаларни амалга ошириш жараёни;
- С) Педагогик жараён-нинг ишлаш тизими;
- Д) Педагогик жараённи хулосалаш;
- Е) Педагогик воқеялик ходисаларни қисқа давомли кузатиш.

23. Инновацион фаолиятни изоҳловчи функциялар мазмуни:

- А) Онгли таҳлил, танқидий ёндошув, ижодий яратувчилик, янгиликларга шайлик
- В) Коммуникативлик, теран фикрлик, мантиқийлик.
- С) Мантиқийлик, изчиллик, ўзвийлик
- Д) Қобилиятлик, мақбуллик, ижобийлик.
- Е) Коммуникативлик, мантиқийлик, изчиллик.

24. Интерфаол жараён бу -

- А) Ўзаро фаоллаштириш жараёни
- В) Халқаро савдо
- С) Интернетдаги маълумот
- Д) Барча жавоблар тўғри
- Е) Маълумот йиғиш

25. Интерфаол машғулотнинг мақсади:

- А) Барча жавоблар тўғри
- В) Муаммоли вазиятлардан чиқишга ўргатиш
- С) Ижодий фикрлашга ўргатиш
- Д) Мустақил фикрлашга ўргатиш
- Е) Дўстона муносабатни яратиш

Глоссарий

1. **“Віорас”** – клиник физиологик текширувларни амалга оширадиган лаборатор комплекс
2. **Модуль** – тарбиялаш, ўқитишга ўрнатилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантиқий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари)нинг маълум бир қисми
3. **OSCE** – Объектив структуралашган клиник имтихон.
4. **Кейс – стади** - Конкрет вазият, тўплам, ўқитиш.
5. **График органайзерлари** - Аналитик информацияни кўрсатмали тақдим этиш усуллари

6. **Дискуссиялар** - Қайсидир саволни муҳокама қилиш, ҳамма иштироқчилар билан тўғри қарорни қабул қилиш
7. **Музокара** - Аниқ охиригача тинглаб, икки томонлама фикр алмашилиши
8. **Реферат** - Бир ёки бир нечта манбалардаги маъно мавқураларни қисқа ёзилиши
9. **Компетенция** – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи.
10. **Иш ўйинлари** - Профессионал фаолиятнинг фан мазмунини тиклаш ва муносабатлар тизимини моделлаштириш шакли.
11. **Мустақил иш** – талабаларни репродуктив, продуктив фаолияти билимларини ўзлаштириш ва қўллаш мақсадида ҳар ҳил топшириқларни бажарилиши.
12. **Методик тавсиянома** – амалий (семинар) ва бошқа дарсларни кетма кетлик босқичларини ёзилиши.
13. **Вазият масала** – маълум шароитларда топширилган мақсад.
14. **Мутахассислик** – муайян касб доирасида тор меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган билимлар ва кўникмалар;
15. **Касбий фаолият объекти** – предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;
16. **Профиль** – таълим дастурининг касбий фаолиятнинг муайян тури ёки объектига йўналтирилганлиги;
17. **Ўқиб-ўрганиш натижалари** – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўникмалар ва эгалланган компетенциялар;
18. **Ўқув цикли** – мос илмий ёки касбий фаолият соҳасида билимлар ва амалий малакаларни ўзлаштириш ва компетенцияларни шакллантиришни таъминловчи таълим дастурларидаги фанларнинг бир қисми;
19. **Технология** – маълум бир ишда, маҳоратда қўлланиладиган услубларнинг мажмуаси.
20. **Педагогик технология** – таълимнинг режалаштирилган натижалари ютуқларининг жараёнларини таърифлаш.